

# OzbeKiston ovozi

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIIY GAZETASI □ 2000 YIL 16 SENTABR SHANBA № 110 (26.660)

## АСАКА ВА ОЛТИНҚҲЛ ТУМАНЛАРИ ПАХТАКОРЛАРИГА

**Азиз дўстлар!**  
Барчангизни катта меҳнат галабаси — мамлакатимизда биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш шартнома-режасини бажарганингиз билан чин қалбимдан табриклайман.

Асака туманида 17 минг 300 тонналик, Олтинқўл туманида 20 минг 240 тонналик пахта хирмони-нинг сентябрь ойининг биринчи ярмида бунёд этилгани лафзи ҳалол, заҳматқаш деҳқонларнинг фидокорона меҳнати, андижонликларга хос гайрат-шижоат самараси, деб биламан.

Бу, энг аввало, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар, илғор технология ва илм-фан ютуқларидан оқилона фойдаланиш, деҳқонларимизда ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғуси ортиб бораётганининг яна бир тасдиғидир.

Сизларнинг ялпи ҳосилдорликни 40 центнерга етказишга бел боғлаб, давлатга қўшимча тарзда яна 10 минг тонна пахта сотишга азму қарор қилганингизни эшитиб, ғоят мамнун бўлдим.

Ишончим комилки, иқтисодий ислохотларни изчиллик билан амалга ошираётган азамат деҳқонларимиз қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам юқори натижаларга эришадилар.

Сизларни қўлга киритган улкан меҳнат зафарингиз билан яна бир бор қўлгайман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Офарин, яна бир бор офарин, қадрли дўстларим!

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ўзбекистон Бадий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида ана шундай мавзуда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари асосида яратилган фильмининг учинчи ва тўртинчи қисмлари тақдими бўлиб ўтди. Санъат мухлислари мамлакатимиз раҳбарининг мазкур асарининг экрандаги талқини билан қизиқиб та-

### «ИСТИҚЛОЛ МЕЪМОРИ — ЭКРАН ҚАҲРАМОНИ»

нишдилар. Фильмга В. Исхоқов ва Ш. Курбонбоев режиссёрлик қилган.

Анжуманда сўзга чиққанлар мазкур асарнинг моҳияти ва аҳамияти, мавзунинг бугунги кундаги долзарблиги ҳақида сўзлаб, мамлакатимиз ҳаётидаги тараққиёт этган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаётгани, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда эришилаётган улкан муваффақиятлар ҳақида ҳикоя қилувчи бу фильмда халқимиз томонидан изчиллик билан амалга оширилаётган барча бунёдкорлик ишлари Президентимизнинг бевосита раҳномалигида қўлга киритилганини алоҳида таъкидладилар.

■ (ЎЗА)

# ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ!

2000 йилнинг 12 сентябрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши бинасида Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотлари вакиллари иштирокидаги ўрашуви бўлиб ўтди. Ҳаётда мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг, Ўзбекистон Президентини И. А. Каримовнинг Олий Мажлиси III сессиясида сўзлаган нутқи ва Олий Мажлисининг Ўзбекистон фуқароларига, барча мамлакатларининг парламентларига, жаҳоннинг тараққиётпарвар жамоатчилигига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, асосий вазифаларни кўриб чиқилди.

Ҳаётдаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов кириш сўзи билан очди. У ва сўзга чиққан — «Фидокорлар» миллий демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Турсунов, «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши раиси И. Рафуров, «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий кенгаши котиби Р. Хайдаров, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бўлиб мудири Н. Солиқжоева, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг ўринбосари З. Қодиров, Республика Байналмилал маданият маркази директорининг ўринбосари М. Нурматова, Тошкентдаги А. Невский ибодатхонасининг протонери Пажомий Лай, Халқаро экология ва саломатлик «Экосан» жамғармасининг вице-президенти К. Қўшимов, Ўзбекистон Республикаси фахрийларининг ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси бошқаруви

раисининг ўринбосари Ш. Усмонов, Ўзбекистон Муслмонлари идораси маслаҳатчиси Ш. Мирзахмудов, «Халқ бирлиги» ҳаракати ҳамраиси У. Саломов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари И. Сулаймонов ва бошқалар халқаро терроризм ҳамда диний экстремизмга қарши кураш, жамиятни жиловлаштириш, унда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, мустақиллик, демократия ва тараққиёт каби юксак ғояларни рўйбга чиқариш, шунингдек, ватандошларимиз фаоллигини мазкур йўналишда ошириш ишида мамлакат барча ижтимоий-сиёсий қўллаб-қувватлаш ташкилотларининг бирлаштириш зарурлигини таъкидладилар.

Ҳаётдаги Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотларининг Қўшма баёноти ҳамда сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотларининг, «Ўзбекистон — умумий уйимиз!» шiori остидаги, халқро терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш бўйича Халқорликка асосланган ҳаракатлар дастурининг қабул қилдирилди. Яқин кунларда мазкур Дастурни амалга оширишга қаратилган аниқ режани ишлаб чиқиш ва шу мақсаддаги ҳаракатларни мувофиқлаштирувчи кенгаши тузиш тўғрисида, келишиб олинди. Ҳаётдаги Ўзбекистондаги барча сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотларининг оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ишчи ўрашуви Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ташаббуси билан ва унинг ташкилий кўмағида бўлиб ўтди.

## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ ВА ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМГА БИРГАЛАШИБ ҚАРШИ КУРАШИШ ҲАҚИДАГИ

### ҚЎШМА БАЁНОТИ

Биз, — Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,

Ўзбекистон Республикаси фахрийларининг ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, «Экосан» экология ва саломатлик халқаро жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият маркази, Ўзбекистон Муслмонлари идораси, Рус православ чerkовининг Ўрта Осиё Епархиал бошқармасининг ваколатли вакиллари, — Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси III сессиясида сўзлаган нутқи ва Ўзбекистон

тон Республикаси Олий Мажлисининг Ўзбекистон фуқароларига, барча мамлакатларининг парламентларига, жаҳоннинг тараққиётпарвар жамоатчилигига Мурожаатномасини қўллаб-қувватлаб, ўзимизнинг жамият олдидagi бурчимиздан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ҳамда жамоат ташкилотларининг, «Ўзбекистон — умумий уйимиз!» шiori остидаги, ҳамкорликдаги амалий ҳаракатларимиз дастурини қабул қилдик.

(Давоми 2-бетда)

## ҚИРГИЗИСТОН БОШ ВАЗИРИНИНГ ТАШРИФИ


15 сентябрь куни Қирғизистон Бош вазири Омонгелди Муралиев амалий ташриф билан Тошкентда бўлди.

Пойтахтдаги ҳукумат қароргоҳида Ўзбекистон Бош вазири У. Султоновнинг Қирғизистон Бош вазири О.Муралиев билан яқма-яқка ўрашуви бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳволи ва истиқболи билан боғлиқ ма-

## ҚОРАҚҲЛДА ТЕННИС КОРТИ

Ёлғор Сафаров номли ширкат хўжалигининг Дабоқи қишлоғида шинамгина теннис корти қад ростлади. Уни тадбиркор Бобоқул Йўлдошев чўнтагидан пул сарфлаб қурди. Тадбиркорнинг бу хайрли ишдан қишлоқ ёшлари мамнунадилар.

■ Даврон БАХРОНОВ



ЎЗБЕК ФАРЗАНДЛАРИ ЖАҲОННИ ЗАБТ ЭТМОҚДА



Владимир ПАНОВ олган сурат

## САХОВАТ

### КЕЛАЖАГИН ЎЙЛАГАН ЮРТ БУ

Ўғил-қизларимизнинг муносиб таълим-тарбия олишлари учун ҳукуматимиз томонидан катта ёрдам берилмоқда. Янги ўқув йили бошланган айни кунларда халқ таълими муассасалари буни янада яққол ҳис этишди.

— Ёлғиз онаман. 4 нафар фарзандим бор, — дейди Қибрай шаҳарчасидан Ҳафиза Алимова. — Фарзандларимнинг энг каттаси 8-синфда ўқийди, энг кичиги бочча боради. Икки фарзандимга Президент совгалари ҳаля этилди.

— Мен кўплаб хонадонларда бўлман, — дейди «Бўстон» маҳалла қўмитаси раиси Раҳимжон Худоберганов. — Фарзандлари 1-синфга бораётган кишиларнинг кўпчилиги ўқув қуроллари олиш ташвишидан қўтулишган. Чунки, уларга Президент совғасини беришди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги 409-сонли қарорига асосан кам таъминланган оилалар фарзандлари ва 1-синф остонасига қадам қўяётган барча болакайлар мана шундай ардоқда. Биргина Тошкент вилояти халқ таълими мактабларида ўқиб-ўрганаётган болакайлар учун бу уч йил ичида салкам бир миллиард сўмлик Президент совғаси — ўқув қуроллари, кийим-кечаклар берилган.

— Илк бора мактаб остонасига қадам қўяётган болакайлар вилоят бўйича 53416 нафарни ташкил этмоқда, — дейди вилоят таълим-савдо қорхонаси раҳбари Маҳмуджон Мирзаев. — Халқимиз ўртасида «Президент совғаси» деган қутлуг ном билан атала бошлаган бу хайрли ишга шу йилнинг ўзида 318.142.295 сўм сарф этилди.

Бу ҳақиқий маънодаги саховат. Муҳими, бундай саховатдан фақат Тошкент вилоятидагина эмас, мамлакатимизда барча ўқувчи баҳраманд бўлмоқда.

■ Маъмуржон ҚИЁМОВ,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири

Тошкент шаҳар Чилонзор туман ҳокимлиги «Бозордаги «буз» ва «қур» сарлавҳали танқидий мақола юзасидан куйидагиларни маълум қилади.

Ушбу мақола туман ҳокимиятининг кенгайтирилган мажлисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакиллари, бозор маъмурияти, ишчи-хизматчилар ҳамда мақолага тегишли бўлган барча ташкилот ва қорхона раҳбарлари иштирокида атрофлича муҳокама қилиниб, ундаги кўрсатилган танқидий фикрлар ўз исботини топганлиги, яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорлар фаолиятини такомиллаштириш ва махсулотлар сотиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига ҳамроҳ эканлиги ва унда кўтарилган масалалар долзарб эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Мақолада кўрсатиб ўтилган камчилик ва нуқсонларга чек қўйиш, уларни бартараф этиш бўйича ҳокимият режа белгилаб олди. Ташкилот ва идора раҳбар-

лари зиммасига тегишли вазифалар юкланди.

Чилонзор туман ҳокимияти томонидан туманда бозорлар фаолиятини такомиллаштириш, ривожлантириш ва ободонлаштириш учун бирмунча амалий ишлар қилинган.

1998 йилда Тошкент шаҳар ҳокимининг 551-сонли қарори билан метронинг

масаласи ва уларга кетадиган пул маблағлари бўйича шаҳар ҳокимияти билан ишлар олиб борилмоқда.

Ҳокимият томонидан «Беш-ёғоч универсал бозори» ОТҲЖ нинг Туроб Тўла кўчасида жойлашган марказий бўлимига вилоятдан қатнайдиган автобусларни қайтадан йўлга қўйиш масаласи бўйича «Тошйўлов-

## «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БERAДИЛАР

### «ҚАРОРНИ КИМ БАЖАРАДИ?»

Газетанинг 2000 йил 8 июль сонида чоп этилган «Қарорни ким бажаради?» сарлавҳали мақола вилоят бозорлар уюшмаси бошқарув ҳайъатида атрофлича муҳокама қилинди.

Ҳақиқатан ҳам мақолада кўрсатилган асослар, афсуски, айрим бозорларда ташкил қилинмаган. Аммо моллар сўйилиши учун туманлардаги айрим бозорларда қўшқонлар мажху. Шуниси ачинарлики, қўшқон туман марказий бозорларидан ва шаҳар бозорларида жой етишмаслиги, ҳокимликлар томонидан қўшқонга учун махсус жой ажратилмаганлиги сабабли моллар уй шароитида сўйилиб, гўшт тайёр ҳолда келтирилиб бозорларда сотилади.

Улар назорати билан тўғридан-тўғри СЭС ва ветврачлар шугулланishi керак. Бозор маъмуриятига махсулотларни бозорга киритмасликка, мол сўйилиши ва гўшт сифатини текшириш учун кафолат берилмаган.

Барча бозор раҳбарлари иштирокида бўладиган бошқарув ҳайъатининг келгуси йилигида бозорларда қўшқонлар ташкил этиш масаласини чуқурроқ ўрганиб чиқиш ва муҳокама қилишни режалаштириб олди.

■ Чилонзор тумани ҳокими Ш. ҚОСИМОВ

■ Самарқанд вилоят бозорлар уюшмаси раиси У. ХУСАИНОВ

## «БОЗОРДАГИ «БУЗ» ВА «ҚУР»

«Чилонзор» бекатида бозор қуриш учун ер майдони ажратилди. Ҳозирда ушбу бозорда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Шу кунга қадар қурилиш ишлари учун 70 млн. сўм маблағ сарфланди.

Туман аҳолиси ва тадбиркорларнинг талабларига кўра туманда «Беш-ёғоч» ОТҲЖнинг бир қанча шохоб-чарлари фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирда туман ҳокимияти ушбу шохобчаларни таъмирлаш, ободонлаштириш

читранс» ташкилоти раҳбариятига мурожаатнома йўлади.

Ўқорида кўрсатилган ўтилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан «Беш-ёғоч универсал бозорлари» ОТҲЖ и ва унинг шохобчаларида ишлайдиган барча ходимларни аттестациядан ўтказиш «Тошбозор-тайёрловсавдо» уюшмаси томонидан амалга оширилади.

Мақолада зикр қилинган

## «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БERAДИЛАР

камчиликлар, нуқсонларни бартараф этиш бўйича ҳокимнинг барча ўринбосарлари «Беш-ёғоч универсал бозори» ОТҲЖ ва унинг шохобчаларига бириктириб қўйилган. Ушбу масала ҳокимият томонидан мунтазам назоратга олинган бўлиб, қилинган ишлар бўйича ахборотлар тингланиб берилмоқда.

Ўқоридаги ишларнинг бажарилиши якуни бўйича ахборотлар тингланиб, яна қўшимча маълумот берилади.

## ҚЎЛГА ТУШДИ

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ахборот марказидан хабар қилишларича, 11 сентябрь куни Самарқанд вилояти Жомбой тумани суди раиси Зафар Отақулов ўз хизмат хонасида фуқаро Ф. Абдурахмоновдан чет эл валютасида пора олаётган пайтда прокуратура ва миллий хавфсизлик хизма-

ти ходимлари томонидан қўлга олинди.

Республика прокуратураси томонидан 3. Отақулов қамоққа олинди. Унга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

■ (ЎЗА)





БОШ МУХАРРИР

Азим СУЮН

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

- Абдулла ОРИПОВ
- Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
- Қозоқбой ЙҮЛДОШЕВ
- Ислом ШОҒУЛОМОВ
- Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
- Алишқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
- Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
- Бахтиёр ҲАМИДОВ (масвул котиб — «Узбекистон овози»)
- Валерий ЛАБАРШНИХ (масвул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

- Сўбат ва хулус — 133-44-55
- Иқтисодий — 133-76-04
- Маънавият — 133-07-20
- Халқаро ва оммавий алоқалар — 133-12-56, 136-55-16
- Ахборот — 133-12-56
- Кўпмақсад — 133-21-43
- Рекама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80
- Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

- Андижонда — 25-16-16;
- Бухорода — 23-51-40;
- Гулистонда — 25-16-22;
- Жиззахда — 3-29-44;
- Навоийда — 3-39-20;
- Наманганда — 6-43-43;
- Нукусда — 222-70-12;
- Самарқандда — 35-20-54;
- Тошкентда — 136-53-16;
- Ургучда — 226-51-35;
- Фарғонада — 26-46-84;
- Қаршида — 4-61-35;
- Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТЕВОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Набатчи

Мамуржон ҚИЕМОВ Газета «Узбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи-дастурчи

Икром ИСМОИЛОВ

«Шарк» нашрийт-матбعا

концерни Босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўттири тартиби

№ 00004 Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ.

«Узбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 702

Топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.30. 1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ЙҮЛ ХАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ

«ОХ, БОЛАМ» ДЕМАСИН ҲЕЧ ЗОТ

Иш юзасидан республикамиз вилоятларидан бирига хизмат сафарига бордим. Одатим бўйича сахар туриб, ҳамхонамнинг уйқусини бузмаслик ва тонг хавосидан мириқиб нафас олиш учун ташқарига чиқдим. Меҳмонхонанинг ён томонида турфа хил мева-ли дарахлар экилган мўъжазгина боғ бор. Ҳар сафар шу меҳмонхонада турганимда тонг сахарлаб боғ айланишни хуш кўраман. Бугун ҳам шу ниятда аста боғ томон қадам ташладим. Келмаганимга бир йилдан ошибди. Ҳаёл билан ёши 65-70ларни қоралаган фарзандларимизнинг айниқса, болалар иштирокидаги ҳодисаларнинг тахлилини кўздан кечирар эканман, нима учундир ана шу воқеа кўз олдимга келди. Биргина ниҳолга шунчалик азиз теккан ота-хонга ўхшаб, нима учун биз ҳам қайғурмаймиз? Нега биз катталар юзлаб беғуно фарзандларимиз гилдираклар остида қолиб, ҳаётдан бевақт кўз юмаётганларига бунчалик бепарвомиз? Ахир, синган дарах ўрнига янгисини эхсак бўлади. Аммо йўқотилган фарзанд ўрнини, ота-она қалбидеги маънавий зарарни тиклаб бўлмайди-ку!

2000 йилнинг ўтган даври мобайнида республикамизда болалар билан боғлиқ равишда 1757 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлди. Бу фалокатларда 253 та нарсидангиз ҳаёт шамчироғи бутунлай сунди. 1583 та бола турли даражадаги тан жароҳатлари олди. Уларнинг кўпчилиги бир умрга ноғирон бўлиб қолишди. Ҳа, бир қарашда оддий кўриган бу рақамлар ортида фарзандларимиз ҳаёти ётганлигини, улар бир умрга қайтмас бўлиб, қалбимизда армон, ўкинч бўлиб қолишини ўйласак нақадар янглик ҳолатлар юзага келаётганлигини бир оз бўлсада англагандай бўламиз.

Болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари бир оз тахлил қилиб кўрайлик. Ҳўн, бола нима учун гилдираклар остига тушиди? Бунинг сабаблари нимада? Назаримда, бу нарсада аввало катталарнинг айби кўп. Негаки, фарзандимизга ҳаракатини хавфсизлигининг оддий талабларини тушутирмаймиз. Мактабда

Бундай маълумотларни ўқир эканман, катталарнинг бепарволигидан ҳайрон қоламан. Кеч соатларда ўқувчиси катта кўчада нима қилиб юрибди? Ота-онаси қаерда? Нима учун фарзандларини бемаҳкам ўрнига қўйиб қўйишди? ДАН Бош бошқармасига келатган маълумотлардан яна бир қанчасини келтириш мумкин. Лекин гап мисолларда эмас. Гап фарзандларимиз ҳаётини асрашда. Бу ишга масъулият билан ёндашишда. Ота-оналик бурчимизни унутмасликда. Халқимизда «Юз бор эмас, юз бир гапир. Юзи қулоғига кирмаса, юз биринчиси кирар» деган нақл бор. Мана янги ўқув йили бошланди. Ўқувчиларга йўл-ҳаракати қондаларидан махсус дарслар ўтилади. Дарсларга эса эътиборни кучайтириш лозим. Ҳамма бир ёқдан бош чиқариб ишга киришсак, кўзланган мақсада етиш осон бўлади. Мактабда ўқитувчи, уйда ота-она боласига ҳаракатини хавфсизлигининг оддий, лекин ҳаёт учун муҳим бўлган шартларини эслатиб, ўргатиб турса, кўча-кўйда юрганымизда ўзимиз йўл ҳаракати қондаларига риоя қилсак, фарзандларимизга ўрнатилган нур устига авло нур бўларди. Ана шунда ҳеч ким «оҳ, болам», деб бевақт нола қилмасди.

Мансуржон РИХСИЕВ, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ДАН Бош бошқармаси катта инспектори, милиция майори

дошларимиздан Вадим Куценко билан Олег Огородов қатнашган эдилар. Вадим дастлабки учрашувдаёқ исроиллик Эрличга (7:6, 6:4) имкониятни бой бериб қўйди. Олега ҳам осон бўлмади. У шу кунда энг мохир теннисчи бўлиб турган москвалик Марат Сафин билан майдонга тушди. Албатта, бу ўйиннинг тақдирини олдиндан аён кўринса-да, юртдошимиз Сафинга (6:4, 6:4) осонликча ютқазмади. Умуман чорак финалга чиқиш баҳслари қизгин ва муросасиз курашга айланди. Кеча Ж. Гимелстоб (АҚШ), Ж. Бовттер (Франция), Ж. Голмард (Франция), А. Столяров (Россия), Ж. Бастл (Швейцария), Ж. Делгадо (Англия) ҳамда М. Сафин (Россия)лар ўртасида ярим финалга чиқиш учрашувлари бўлди. Мухлислар умид қилган Евгений Кафельников эса қулмаганда италиялик Д. Сангунетига ютқазиб қўйди. Уйлаймизки, яқунловчи учрашувлар ҳам муросасиз баҳсларга айланади.

«ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ»

БИР БОРА КЎРГАН ЯХШИ

эгаллаб турган бу ажиб инсон матбуот йиғилишларида ўз таассуротларини тўкиб солди. Унинг таъбири билан айтганда, шу пайтагача Тошкентда «Президент кубоги» учун ўтказилган мусобақа ҳақидаги аjoyиб таассуротлар ҳақида кўп эшитгани ва бунга нахотки деб қарагани ҳақида сўзлади. Демак, халқ ибораси билан айтганда, юз бор эшитгандан кўра, бир бор кўрган яхши. Ижрочи директор Тошкентда бунёд этилган спорт иншоотлари, халқаро теннис мусобақалари ўтказишга мўлжалланган мажмуалар ҳамда «Олимпиада шон-шухрати музейи»



қаро теннис мусобақалари ўтказишга мўлжалланган мажмуалар ҳамда «Олимпиада шон-шухрати музейи»

ни томоша қилгандан кейин ҳақиқатан ҳам мамлакатимизда спортнинг теннис турига алоҳида эътибор берилганлигини ҳамда бултур ўтказилган «Президент кубоги» мусобақаси дунё миқёсида энг нуфузли деб тан олингани бекорга эмаслигини яна бир бор эътироф этди. Мусобақалар эса қизгин паллага кирди. Кеча яққа баҳсларда чорак финал мусобақалари бўлди. Эртага яқунловчи учрашувдан кейин бу йилги қолиб ҳам аниқланади. Жуфтлик бўйича учрашувларда эса бугун финал ўйини бўлади. Зеро, мусобақаларни босқичма-босқич ўтказиш, курашни давом эттириш имкониятига эга бўлиш осон кечмаяпти. Маълумки, яққа баҳсларда юрт-

Австралиянинг Сидней шаҳрида олимпиада машғулаши лавламоқда. Узоқ Афганистон қадимий Олимп қишлоғида рамзий равишда ўт олдирилган машғула



96 кун деганда олимпиада пойтахтига етказиб келинди. Ҳамини бундан кейин, энг йирик спорт анжумани — олимпиаданинг очилиши бу сафар ҳам бетакор воқеаларга бой бўлди, байрамона тус олди. Машғуланинг ёндарилиши ҳам ўзига хос усулда амалга оширилди. Аёнки, олимпиаданинг тимсоли бешта туташ ҳалқадан иборат. Бу дегани, бешта китъа мамлакатларида олиб борилган олимпиа ҳаракатларининг мақсади битта, у ҳам бўлса, халқлар ўртасида тинчлик, бирдамлик ва дўстлик ришталарини янада мустақамлаш, инсон боласининг жисмоний имкониятларини нечоғли беадад эканини миллионлар кўз ўнгига намоиш этишдан иборатдир. Дунёнинг юзлаб давлатларидан ташриф буорган энг мохир спортчилар аввало қолиблик учун курашчилар, қолаверса, олимпиадачи номини олганликлари билан фахрланадилар. Улар 18 кун мобайнида лавулаб турган машғуладан руҳланиб, қизгин ва муросасиз баҳсларда ўзларининг маҳоратларини кўрсатадилар. Мустақиллик йилларида Ватанимиз ўғил-қизлари учинчи марта олимпиада мусобақаларида

иштирок этиш имкониятига эга бўлдилар. Улар 1992 йили Барселона, орадан тўрт йил ўтгач, Атланта олимпиадаларида иштирок этиб, Ўзбекистон номини дунёга овоза қилиш йўлида интилан эдилар. Гимнастикчи Оксана Чусовитина, дзюдочи Армен Багдасаров, боксчи Карим Тулагановлар эришган натижалар халқимизни беҳад мамнун этганди. Мана бугун Сидней олимпиадасида иштирок



Сўзсиз олимпиадага 4 йил тайёргарлик кўрилади. Олимпиадачи бўлган ҳар бир спортчиларини ана шу муқаддас ишга маҳоратини қанчалик тобиға етказгани шилдатди баҳсларда намоён бўлади. Умуман олганда, олимпиаданинг широри — кучли, чаққон ва чапдастлик билан юксакликни кўзла, маъносини аниқлатади. Албатта, мамлакатимизда мустақиллик йиллари спортни ҳар томонла-

ри ривожлантириш, оммавийликка эришиш, мохир спортчиларни тарбиялаш йўлида давлат аҳамиятига эришиш, мохир спортчиларни тарбиялаш йўлида давлат аҳамиятига



ни моддий рағбатлантириш тўғрисидаги Фармонлари эълон қилинди. Бунга кўра олимпиада қолибига 100 минг, кумуш совриндорга 50 минг, бронза медали эгасига 25 минг АҚШ доллари миқдориде мукофот тақдим этилади.

БЕШИНЧИ ҚИТЪАДА БАЙРОҒИМИЗ ҲИЛПИРАМОҚДА

Кеча XXVII олимпиаданинг очилиш маросими бўлди

этиш бахтига 77 нафар сараланган йигит-қизимиз муссар бўлиб турибди. Умуман Ўзбекистон спорт

этириб, 1 октябрь куни финал ўйинида иштирок этиш учун зўр бердилар. Бу сафар боксчиларимиз билан фахрлансак арзийди. Боиси, Владимир Шиннинг шоғирдлари 10 нафар бўлиб, ўз вазнлари бўйича рингга кўтариладилар. Мухлисларга ёд бўлиб кетган Дилшод Йўлдошев, Мухаммадқодир Абдуллаев, Дилшод Ербеков, Уткир Ҳайдаров, Сергей Михайлов, Руслан Чагаевлар совринли ўринларни кўзлаб турибдилар. Шунингдек, ватандошларимиз спортнинг кураш, енгил атлетика, дзюдо, оғир атлетика, сузмиш, қиличбозлик, мерганлик, трамплин, эшакка эшиш, теннис, гимнастика турлари бўйича аёвсиз олишувларда куч си-нашмоққа тайёр. Бугун оғир атлетикачилар ҳам тош қўтаришни бошлаб юбордилар. Шунингдек, дзюдо, мерганлик, сузмиш баҳслари ҳам бошланди. Эртага эса гимнастикачилар майдонга тушадилар.

молик ишлар амалга оширилди. Бу даврда ўғил-қизларимиз жаҳон майдонларида юртимиз номини ардоқлаб, ўзларининг нима-ларга қодир эканликларини кўрсата билишди. Шунинг учун ҳам Президентимизнинг бундай шон-шухрат шарафи, ютуқлар эътирофи тарзида спортчилар-

ни моддий рағбатлантириш тўғрисидаги Фармонлари эълон қилинди. Бунга кўра олимпиада қолибига 100 минг, кумуш совриндорга 50 минг, бронза медали эгасига 25 минг АҚШ доллари миқдориде мукофот тақдим этилади.

Ҳа, моддий ва маънавий мафратдорликнинг уйғун келиши устувор рағбат бўлиб, ватанпарварлик туйғусини янада жўш урдирғусилди. Яъни, бунда ҳар бир ўғил-қизимиз руҳий ва жисмоний имкониятлари жумбоқга келиб, қолибик супасида кўтарилаётган мадҳиямиздан сархуш бўлиб шу азиз юрт фарзанди эканини қалбдан ҳис этиб, ғурурланади. Уйлаймизки, спортчиларимиз Сидней олимпиадасида ана шундай шон-шухрат ва шарафга эга бўладилар.

■ Ҳайдар НОСИРОВ

**ТҮЙҮЛГАН КҮН**

**КИМ? ҚАЧОН?**

**18 СЕНТЯБРЬ**  
Олимжон ХОЛДОРОВ (1932) — ёзувчи  
Мамад РАҲМОНОВ (1940) — ёзувчи  
Рифкат ИБРАГИМОВ (1950) — постановкачи-кинооператор

**20 СЕНТЯБРЬ**  
Александр ҲАМИТОВ (1978) — «Сурхон» футбол жамоаси ҳимоячиси

**21 СЕНТЯБРЬ**  
Азиз САИД (1961) — шоир  
Саида РАМЕТОВА — Республикада хизмат кўрсатган артист  
Константин НОВИКОВ (1961) — «Хоразм» футбол жамоаси мураббийси

**22 СЕНТЯБРЬ**  
Сарвар АКРАМОВ (1980) — «Пахтакор» футбол жамоаси ярим ҳимоячиси

**23 СЕНТЯБРЬ**  
Мнад ҲАКИМОВ (1932) — ёзувчи  
Ашод ОБИДЖОНОВ (1962) — кинорежиссёр  
Усмон ТОШЕВ (1969) — «Металлург» футбол жамоаси беш мураббийси.

**ТАБРИКЛАЙМИЗ, КУТЛАЙМИЗ!**  
777133-12-56111

РАЙҲОНМИСИЗ, ЖАМБИЛМИСИЗ? КУЛАЙЛИК, КУЛДИРАЙЛИК

«ҚАЙНОНА-КЕЛИН» АСКИЯСИ

Қайнона. Келинпошша, келин бўлиб келибсизки, эрта туриб, на кўчани, на ховлини супурасиз. Ухлаганингиз ухлаган, гагиравериб чарчадингиз-ку, ахир. Нима бало онангиз сизни «ухлаб» тўққанми дейман.

Келин. Ҳадеб, супуравераманми, ахир. Кир ювсам, дазмолла-сам, омак қилсам. Мен ҳам одамман. Чарчайман, нима қилибди, ўғлингиз билан «галма-гал» супурасак.

Қайнона. Вой, тавба. Бу дейман онангиз бировни уйига борганидан қайнонанинг ва бошқаларни кўлидан ишини олгин деб «ўргатмаганимми-а?». Ия, хали «сигир»ни ҳам «соғ-майман», дерсиз.

Келин. Ҳа, энди, онажоним, қўлимдан келганича юмушларни бажарялман-ку. Узингиз ухлаганин-гиз ухлаган, яна хуррак отиб, «дарс» тайёрлашимга ҳам қўймайсиз. Бу ахволда ҳеч «қоли» қола-мизми?

Қайнона. Ҳа! Мен келинлигимда уй ишларию қозон-товоқларни, сигир-бузоғу кир ювишларни қўйиб қилардим. Тозаликка нима етсин. Ким айтди сизни ёш деб, нукул «сақич» чайнаганингиз чай-наган. Иш деса «Олато»дан топ.

Келин. Хали ёшман, уйнаб ку-

лишим керак. У ёғи бололик бўлганимдан кейин, ҳаммаси аён. Ўғлингиз ваъда қилганлар, уй ишларини бирга бажарамиз. Яхши-си, ёлгончи ўғлингизни қутиб олинг. Қачон қарасам, чойқонада-лар. Шу ҳам «эркак» бўлди-ю.

Қайнона. Яхшиям ҳозирча талабасиз. Институтни битирсангиз, «дарс» берав экансиз-да. Вой-бў ўғлимни бошида «ёноғ» чақилма-са» эди. Келин қилмай мен ўлай.

Келин. Бу замоннинг қайнона-ларига ҳайронман. Уни қил, бунга қил деб холи жонинга қўйишмайди. Қачон қарасанг ишиндан «нуқсон» топилади. Ахир «эр-хотин қўш хўкиси», дейишган-ку.

Қайнона. Ўғлимнинг кийим-ларига қараб бўлмайди, на ювасиз, на дазмол қиласиз. Нима бало «ан-ков»ларданми-сиз?

Келин. Да, мамочка, мендан, бекорга хафа бўласиз. Ничево, хали ҳаммаси тартибда бўлади. Ўғлингизни гаҳ десам «қўлимга» қўнадиган қилиб оламан. Ҳа, ҳа, ҳа...

Қайнона. Гапингиз фирт ёлгон. Ўғлим ақили-хушли, ота-онам дей-диганлардан. Фақат пешонаси шўр бўлмаса сизга уйланармиди. Тавба, бунча зебу зийнатга ўч бўлма-сангиз, шўрлик ўғлим қўлида са-

рик чақа ҳам қолмади-я. Ҳей, «ке-лин» бўлмай, кетинг-ей.

Келин. Ҳадеб, теграйверасизми. Ўғлингизни на машинаси бор, на бирор хўнари. Фирт бекорчи. Ё «уйнашга» ишонганларданми. Э-си «хотин» бундай ўғилга.

Қайнона. Бу гаплариз билан кўриқотилмайсиз. Ўғлим хўнарли, ишлайди, маоши ҳам етарли. Та-гин ўғлим қолиб, айрим «бойвач-чани» қўзламавг. «Эоти паствар-дан»-ми-сиз, лаббай.

Келин. Қарасам, ҳақоратга ўта-сиз чоғи. Худого шўр ота-онам ҳаётлар, зотимиз тоза. Бу уйга кели-б нима кўрдимки, қориланман. Ўғлингизни «оғзи»дан чойнона хиди анқиди. Унга айтсангиз буларми-ди: ё «оилани» десин, ё «чойно-на».

Қайнона. Хали гап бу ёқда эканда. Кеч келишларингиздан хавфим бор эди-я. Барибир, эр-как-эркак-да, улфат кўрмаса бўлмас. «Ялпайиб» ётавермай ўғлимни тегранг, «айб» сизда.

Келин. Тинмай ичиди, қарзга ботса ҳам отаверди. Қуш уясида кўрганни қилади. Бир хавфлидан, кейин хурсандликдан ичаверса, уёғи нима бўлади. Ўргилдим, ўғлингиз «ўзингизга» буорсин. Мен кетдим. «Ҳайр» энди.

■ Абдулло ТОЛИПОВ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА